

сий капитал бўйича қўйилган талабларни юқори даражада бажариш имкониятини бермоқда;

- тижорат банклари ресурс базасида ички ва ташқи манбалардан жалб этилган қарз маблағлари ҳажмининг ошириб бориши, шунингдек, миллий валютанинг девальвацияси шароитида банклар депозит портфели таркибида хорижий валюталарда шакллантирилган омонатлар ҳажми ошиб бормоқда;

- тижорат банклари капитали барқарорлигини оширишда эмиссион даромад ва тақсимланмаган фойда муҳим ўрин тутади. Шу боис

мамлакатимиз тижорат банклари ушбу манбаларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Юқорида билдирилган хulosалар ҳамда таклиф ва тавсиялар тижорат банклари капиталлашуви жараёнларига, пировард натижада банк тизими ва иқтисодиётнинг реал сектори интеграцияси тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш омили сифатида улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиши стратегияси тўғрисида"ги ПФ-5992-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. //Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. - Т., 2017. № 6 (766). - 32-б.
3. Чхутиашвили Л.В. Банковские продукты: виды, технология создания, способы внедрения. //Финансовая аналитика: проблемы и решения. - М.: КРОНУС. 2010. №2.
4. Ортиқов У.Д. Банк ресурслари ва уларни бошқариш. Иқтисод фанлари номзоди ил. дар. олиш учун тақдим этилган дис. автореферати. -Т., 2008. 7-б.
5. Лаврушин О.И. Роль кредита и модернизация деятельности банков в сфере кредитования. -Монография. /Коллектив авторов. -М.: КНОРУС, 2012-ст. 117-118.
6. Жуков Е.Ф., Эриашвили Н.Д. Банковское дело: учебник. //Финансы и кредит. - 4-е изд., прераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2018. ст. 163-164
7. Костерина. Т.М. Банковское дело: учебник для СПО/- 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Издательство Юрайт, 2019 г. - с. 332
8. Кроливецкой. Л.П. Деньги, кредит, банки: Учебник. /Коллектив авторов. - М.: КРОНУС, 2019. - 414 с.
9. Крис Дж. Барлтроп и Диана МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся рынках. -Вашингтон, С.102.
10. Абдуллаева Ш., Омонов А.Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш. -Т.: Иқтисод - Молия, 2006. 120 б.
11. Лаврушин О.И., Азизов У.У., Каралиев Т.М. Банковское дело. /Под редакции О.И. Лаврушина -М.: КРУНОС. 2019. с. 224.
12. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. -М.: Вазар-Ферро, 1994. С.92.
13. <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
14. <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
15. Sultonov, Sherali, Et Al. "Development ways of stock market in uzbekistan (in the case of "tashkent" republican stock exchange)." journal of critical reviews 7.11 (2020): 1476-1482.
16. <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
17. <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
18. [https://cbu.uz/oz/press\\_center/reports/637717/](https://cbu.uz/oz/press_center/reports/637717/).
19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Монетар сиёсатнинг 2019 йил ва 2020-2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий ўйналишлари. (<http://www.cbu.uz/uzc/monetarnaya-politika/>).
20. <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
21. <https://review.uz/oz/post/opredelen-naibolee-aktivne-banki-uzbekistana-v-i-kvartale-2022-goda>.
22. <https://daryo.uz/k/2022/06/03/aksiyadorlarning-navbatdagisi-umumiy-yig%CA%BBilishida-CA%BBzmilliyybankajining-2021-yildagi-faoliyati-yakunlari-muhokama-qilindi/>



#### **ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ШАРТ-ШАРОИЛЛАРИ**

 [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss5/a21](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a21)

**Юлдашева Севара Шухрат қизи -  
ТДИУ"Банк иши ва инвестициялар"  
кафедраси 1-босқич докторант (PhD)**

**Аннотация:** ушбу мақолада Ўзбекистон банк тизимида фаолит кирсатаётган тижорат банкларининг рақобатбардошлиги оширишда мижозларга кўрсатаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, янги банк хизматларини жорий этиши лозимлиги ва бу борада тижорат банкларининг рақобатбардош бўла олиш қобилияти билан юқори самарадорликка эришиши масалаларни тадқиқ қилинган.

**Калим сўзлар:** трансформация, рақобатбардошлиқ, тижорат банки, рақобат, стратегия, банк маҳсулоти, банк хизматлари.

## УСЛОВИЯ ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Юлдашева Севара Шухрат кизи -**

**Докторант ТГЭУ 1 курса(PhD  
кафедра «Банковское дело и инвестиции»**

**Аннотация.** В данной статье в целях повышения конкурентоспособности коммерческих банков, действующих в банковской системе Узбекистана, рассматривается необходимость расширения спектра услуг, предоставляемых клиентам, внедрения новых банковских услуг, и в связи с этим вопросы достижения высокой эффективности со способностью коммерческих банков быть конкурентоспособными.

**Ключевые слова:** трансформация, конкурентоспособность, коммерческий банкинг, конкуренция, стратегия, банковский продукт, банковские услуги.

### CONDITIONS FOR INCREASING THE COMPETITIVENESS OF COMMERCIAL BANKS IN UZBEKISTAN

**Yuldasheva Sevara Shukhrat qizi -**

**Doctoral student of TSUE 1st year (PhD  
Department of Banking and Investments  
Tashkent state university of economics**

**Abstract.** In order to increase the competitiveness of commercial banks operating in the banking system of Uzbekistan, this article discusses the need to expand the range of services provided to customers, introduce new banking services, and in this regard, issues of achieving high efficiency with the ability of commercial banks to be competitive.

**Key words:** transformation, competitiveness, commercial banking, competition, strategy, banking product, banking services, banking system, competition, strategy, banking product, banking services.

**Кириш.** Ўзбекистонда сўнгги йилларда президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан молиявий секторни изчилистоҳ қилиш давомида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада илгор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Хусусан, ҳалқаро стандартларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага хорижий инвестицияларни киритиш учун жозибадор ҳуқуқий муҳитни яратадиган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” [1]ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” [2]ги, “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”[3]ги янгиланган қонунлари қабул қилинди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида банк хизматларининг анъанавий соҳалари – кредитлаш, депозит операциялари, ҳисоб-китоб ва касса каби хизматларни кўрсатувчи 32 та тижорат банки ҳамда уларнинг 864 та филиаллари фаолият олиб бормоқда. Шу жумладан, давлат устун мавқега эга – 5 та, давлат улуши мавжуд акциядорлик тижорат банклари – 8 та, акциядорлик тижорат банклари – 6 та, хусусий акциядорлик тижорат банклари – 5 та, чёт эл капитали иштироқидаги банклари – 3 та ва чёт эл банклари – 5 тани ташкил қилмоқда.

Банк тизимидағи катта ўзгаришларни, мижозларга яратилган қулайликлар ва муносабат мисолида кўрадиган бўлсак, авваллари мижоз банк биноларига эркин кириб-чиқа олмас эди, 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг №3620 сонли қарори[2]нинг қабул қи-

линиши натижасида бугунги кунда эса мижоз ўзини банкнинг ҳақиқий аъзоси сифатида кўрмоқда, шунингдек микроқарзлар ажратилиши, 24/7 банк хизматларини кўрсатиш марказлари фаолиятидан, ҳамда он-лайн хизматлардан кенг фойдаланилмоқда.

Шу билан бирга, банкларнинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи аҳоли ва мижозларнинг талабларини тўлақонли қондириш, уларга сифатли хизмат кўрсатиш ва шу орқали уларнинг банкнинг доимий мижозига айланишлари учун доимий изланишлар, тадқиқотлар олиб боришини тақозо этади.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Россиялик таниқли иқтисодчи О.И.Лаврушин “Банк рақобати молия бозоридаги рақобат турларидан бири бўлиб, бунда банклар ўзининг барча иштирокчилари, шу жумладан нобанк ташкилотлари билан молиявий активлар ва мижозлар учун иқтисодий рақобатга киришишлари сифатида таърифлайди. шу жихатдан бу жараёнда банк менежментининг ўрнига алоҳида тўхталиб ўтади ва Банк менежменти - бу банк ва банк секторида ишлайдиган ходимларни бошқаришнинг илмий тизими деб ҳисоблайди. Иқтисодчи банк менежменти банк рақобатбардошлигини оширишда нафақат фойда олишга, балки қарзга олинган маблағларнинг хавфсизлигини таъминлашга, омонатчиларнинг ишончини қозонишга қаратилиши зарур деб ҳисоблайди[8]. Ўзбекистонда банкларнинг рақобатбардошлигини ошириш масалалари масалалари долзарб аҳамият касб этиб бу борада мунтазам тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан,

Ш.З.Абдуллаева Банклараро рақобат ҳам ҳар бир банк томонидан ўз манфаатларини юзага чиқариш учун яъни фойда олиш учун курашдан иборатдир деб таърифлашади. Шундай экан, банклараро рақобат авваламбор мижоз учун курашдан иборат бўлади. Қайси банкнинг мижозлари кўп ва обрўли бўлса, ўша банкнинг ўз манфаатларини юзага чиқариш имкониятлари юқоридир[15].

Г.А.Бекмуродова “Банкнинг рақобатда аниқлиги хизматлар тақдим этиш ва кўрсатишнинг ўз вақтидалиги, сифати, сони, сотувдан олдинги ва сотувдан кейинги сервиснинг юқори даражада ташкил қилинганлиги ва сифати, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга рақобатли ўтиш жараёнларининг сифати, молия структурасининг барқарорлиги каби номма-ном айтилган кўрсаткичларни қўллаб-кувватлашнинг аниқлиги билан тавсифланади” деб ҳисоблайди. [14]

А.А.Азларова, М.М.Абдурахмановалар “Замонавий тижорат банкининг энг долзарб вазифаларидан бири унинг ишончлилигини оширадиган рақобатбардош маҳсулот ва хизматларни тақдим этиш қобилиятини изчил ривожлантириш моделини шакллантиришдан иборат бўлиши керак деб ҳисоблашади. Ташкил мухитнинг юқори ўзгарувчанлиги, рақобат курашининг мураккаблашуви, ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ҳамда молиявий муносабатларнинг глобаллашуви шароитида банк бизнесини ривожлантириш унинг рақобат устунликларини шакллантириш ва уларни самарали бошқариш масаласини тижорат банклари кундалик фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралиши зарур. 16]

Биз юқоридаги фикрларни инкор этмаган ҳолда, Банк рақобати – молия бозорининг иштирокчилари, хусусан, кредит ташкилотлари ўртасидаги кредитлар, депозитлар ва бошқа банк маҳсулотларини сотиш учун кураш сифатида қаралиши, ҳамда доимий тадқиқотлар ўтказиб борилиши керак бўлган жараён сифатида баҳоланиши лозим.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолани тайёрлашда банкларнинг банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ амалий маълумотлар таҳлил қилинди, тижорат банкларининг бизнес режалари, маркетинг стратегиялари таҳлилий ўрганилди ва барча фойдаланилган маълумотлар амалдаги қонун-хужжатлари ва статистик кўрсаткичлар асосида муаллиф томонидан тадқиқ қилинди.

**Таҳлил ва натижалар.** Ҳар қандай банк фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб, рақобатбардошлини баҳолаш ҳисобланади. Банк рақобатбардошлигини баҳолашнинг мухимлиги бир қатор ҳолатлар билан белгиланади. Тижорат банкларида мижозлар билан узоқ муддатли ўза-

ро ҳамкорликни ўрнатиш масаласи мухим ҳисобланаб, банкнинг мижоз билан биринчи мулокотга киришишида банклар учун асосий вазифа бу мижоз банкнинг доимий содиқ мижози бўлиб қоладими? – унга бирламчи хизмат кўрсатиш банкка фойда келтирадими? уни ушлаб қолишга зарурат борми? каби саволларга жавоб топишга қаратилади.

Банкларнинг рақобатбардошлигини тавсифловчи мухим омиллардан яна бири ҳамкор танлаш, инвесторнинг маблағларини жалб қилиш, янги хизматлар режасини тузиш ва ҳ.к. бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурати ҳисобланади. Банклар томонидан мунтазам рақобатни ўрганиш, тадқиқотлар олиб бориш ва баҳолашни ўтказиш банкнинг молиявий хизматлар бозоридаги ўринини, унинг ҳолатни аниқлаш имконини яратади. Бу мақсадга фақат рақобатбардошлини баҳолашнинг тезкор ва объектив услугиятини қўллаб эришиш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимиши “2020-2025 йилларга мўлжалланган ислоҳ қилиш стратегияси[2]”да банк тизимида давлат аралашувини камайтириш, давлат улуши мавжуд банкларни комплекс трансформация қилиш ва уларнинг давлат ресурсларига қарамагини пасайтириш, хусусий сектор учун молиявий воситачилик даражаси ҳамда молиявий хизматлари оммабоплигини ошириш келгуси беш йиллиқда банк секторини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари сифатида кўрсатилган.

Тижорат банкининг рақобатбардошлиги нуқтаи назаридан унинг барқарорлигини баҳолаш муаммоси банк барқарорлигини тасдиқлаш, шунингдек, бир вақтнинг ўзида банк хизматлари бозорида рақобатчи сифатида иштирок этиши мумкин бўлган контрагентнинг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш учун молиявий кўрсаткичлар ва коэффициентлар ўзгаришини кузатиб боришдан иборат.

Республикмизда банк активларида хусусий банклар улушини, шунингдек банк секторида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва трансформация жараёнлари самарадорлигини доимий равишда баҳолаб бориш мақсадида Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази томонидан “Банклар фаоллик индекси”ни ишлаб чиқилган[8]. Мазкур индекс иккита субиндексдан иборат:

1. Молиявий воситачилик ва оммабоплик индекси.

2. Банклар фаоллик индекси бўйича рейтинг.

Банкларнинг молиявий оммабоплиги кичик ва ўрта бизнес учун молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларининг қай даражада эканлиги ва “банксиз” қолаётган ахоли қатламини банк секторига жалб қилиш даража-

сини кўрсатади.

Ўзбекистонда иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази томонидан ҳар чорак бўйича «Банклар фаоллик индекси» ҳисоблаб чиқилиди. Мазкур индекс Ўзбекистондаги 31 та банкни қамраб олган бўлиб, банк тизимидағи ислохотлар ва трансформация жараёнларининг самарадорлиги, рақобат муҳити ўзгариши ҳамда барқарорлик даражасини баҳолаб бориш мақсадида тузилади.

Индексни ҳисоблашда банкларнинг 7 та йўналиш бўйича 21 та кўрсаткичлари: молиявий воситачилик, молиявий оммабоплик, капитал етарлилиги, активлар сифати, бошқарув самарадорлиги, даромад олиш салоҳияти ҳамда ликвидлилик кабилар таҳлил қилинади.


2022 йил 1 апрель ҳолатига кўра Ўзбекистон банк тизими активлари 436,8 трлн сўм (2021 йил апрель ҳолатига нисбатан ўсиш – 19,3 фоиз), мажбуриятлари 365 трлн сўм (19 фоиз), кредитлари 327,2 трлн сўм (16,8 фоиз) ҳамда депозитлари 148,4 трлн сўмни (31,2 фоиз) ташкил этган. [13]

Йирик банклар гурӯхида «Капиталбанк» 1-ўринни сақлаб қолган, Trast банк 1 поғонага кўтарилиб, 2-ўринни эгаллаган.

Давлат улуши мавжуд банклардан бири «Ипотека банк» б поғонага юқорилаб, 3-ўриндан жой олган, бошқа бир давлат банки «Ўзсаноаткурилишбанк» 13-ўриндан 10-ўринга кўтарилиган. Кичик банклар рейтингида Давр банк (1-ўрин) ва Ziraat bank (2-ўрин) ўз ўрнини сақлаб қолган, «Пойтахт банк» 3-ўринга, Тенге банк 7-ўринга, «Мадад инвест банк» 9-ўринга кўтарилиган [14].

Хозирда Марказий банк томонидан барча тижорат банклари билан бирга тўлов тизимлари инфратузилмасида контактсиз тўловларни амалга ошириш кўламини кенгайтириш учун, биринчи навбатда, савдо ва хизмат кўрсатиши соҳаларида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларини QR-код ва NFC технологиялари асосида тўловларни амалга ошириш имконини берувчи тўлов воситалари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.[13]

Банк картаси ва тўлов терминалидан бевосита фойдаланмаган ҳолда, банк картасидаги маблағлар ҳисобидан товар ва хизматлар учун мобил илова дастурлари ёрдамида QR-код орқали тезкор тўловларни амалга ошириш мақсадида ишга туширилган “QR-online” тизими оммалашиб бормоқда (1-2 расмлар).



1-расм. QR-online тизимида амалга оширилган транзакциялар сони ҳақида маълумот[14]


Банк картаси ва тўлов терминалидан бевосита фойдаланмаган ҳолда, банк картасидаги маблағлар ҳисобидан товар ва хизматлар учун мобил илова дастурлари ёрдамида QR-код орқали тезкор тўловларни амалга ошириш мақсадида ишга туширилган “QR-online” тизими оммалашиб бормоқда. 2021 йилда “QR-online” ахборот тизими томонидан тадбиркорлик субъектларига тақдим қилинган QR-кодлар сони 2020 йилга нисбатан қарийб 1,5 баробарга ортиб 92 минг донага етган.

Шу билан бирга, kontaktсиз тўлов технологиясини кенгайтириш доирасида “HUMO PAY” дастури (смартфоннинг NFC тизими) орқали банк картасидан бевосита фойдаланмасдан сав-

до ҳамда пуллик хизматлар учун тўловларни амалга ошириш хизмати 14 та банкнинг мобил иловалари орқали кўрсатиб келинмоқда.

Контактсиз тўлов хизматларини ривожлантириш доирасида жорий этилган Tap-to-phone тизими (терминалсиз) орқали тадбиркорлик субъектлари учун тўловларни қабул қилиш имкониятини берувчи хизматдан 380 та тадбиркорлик субъекти фойдаланишни бошлади.

2021 йилда NFC технологияси асосида амалга оширилган транзакциялар ҳажми 2020 йилга нисбатан 4 баробарга ошиб, 11,8 трлн. сўмни ташкил этган. Натижада, 2021 йилда kontaktсиз тўлов технологиялари билан қамраб олиш даражаси 40 фоизга етган.



**1-расм. QR-online тизимида амалга оширилган транзакциялар ҳажми ҳақида маълумот, , млн.сўмда [14]**

Умуман олганда, банк хизматлари сифати ва оммаболигини ошириш бўйича барча банкларда масофавий банк технологияларининг, базавий банк хизматлари ҳамда замонавий тўлов хизматларининг кенг тадбиқ қилинганлиги банк хизматларидан фойдаланувчиларга кенг қулайлик ва имкониятларни яратилганлиги молиявий хизматлар ҳажмининг юқори ўсишига хизмат қиласди.

**Хуоса ва таклифлар.** Фикримизча, республикамида фаолият юритаётган тижорат банкларининг рақобатбардошлигини ошириш учун қуидаги мисалаларга эътибор қаратиш ўринли бўлади:

- мижозларнинг банк хизмат турларига бўлган муносабатини ўрганиш мақсадида маркетинг тизимини такомиллаштириш;

- банкнинг бириткирилган ходимлари томонидан мижозларга комплекс хизмат кўрсатиш тизимини жорий этиш;

- мижозлар учун қуай бўлган он-лайн ва автоматик тўловлар хизматлари ва маҳсулотларини жорий этиш;

- имконияти чекланган шахсларнинг банк хизматига бўлган талабини қондириш, уларга банк хизматларидан фойдаланиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш, жумладан пандуслар, кар-соқовлар учун он-лайн сурдотаржимон, автотранспорт воситаларига қуай тўхтаб туриш жойларини ва бошқа имкониятларни ташкил этиш;

- банк хизматлари сифатини ва уларнинг оммаболик даражасини мустақил баҳолаш тизимини яратиш.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиши ва қўшимчалар киритиш ҳақида ЎРҚ-582-сон қонуни. 11.11.2019 й. <https://lex.uz/docs/4590452>
- Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиши ва қўшимчалар киритиш ҳақида ЎРҚ-580-сон қонуни. 5.11.2019 й. <https://lex.uz/docs/4581969>
- Ўзбекистон Республикасининг тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида қонуни. ЎРҚ-578-сон. 2019 йил 1 ноябрь. <https://lex.uz/docs/4575786>
4. 2022 йил 28 январда "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармони <https://lex.uz/docs/5841063>.
- 5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги Фармони. ПФ-5992-сон. 12.05.2020 й. <https://lex.uz/docs/4811025>
- 6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6079-сонли «Рақамили Ўзбекистон—2030» Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони. 05.10. 2020 йил. <https://lex.uz/docs/5030957>
- 7.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлислига Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси № 19 (7521). 2020 йил 25 январь.
8. Лаврушин О. И. Банковский менеджмент Учебник Издательство: Кнорус, 2016 г. Управление предпрятием. Подробнее: <https://www.labirint.ru/books/520520/>;
9. Майл Е. Портр. «Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов». Пер. с англ. – 5- издание. Издательство Альпина Паблишер, 2016 г. 456 с.
10. Шевченко, Е. А. Концептуальные подходы к формированию конкурентных преимуществ коммерческих банков: автореф. дис. к. э. н. – Екатеринбург, 2009.
11. Ф.И.Мирзаев. «Ўзбекистонда банкларро рақобатни шакллантиришинг концептуал асослари». Иқтисод фанлари доктори диссертация автореферати – Т.:2009 й.;
12. Шапошников А. М.Ш. Межбанковская конкуренция и оценка конкурентоспособности коммерческих банков: монография /А. М. Шапошников. – Чебоксары: ИД «Среда»,2020. – 128 с
13. О.А.Ортиков. Банкларро рақобат шароитида банк хизматлари ва уларни такомиллаштириш ўйлари/ Монография, Бухгалтерия, молия, Иқтисод/ 2015 й. Нашриёт: Фан ва технологияй. 140 б.
14. Бекмуродова Г.А. Тижкорат банклари рақобатбардошлигини оширишнинг илмий-услубий жиҳатлари. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2016 йил.
15. Абдуллаева Ш.З. (2017) Банкниши. Дарслик. -Т: ТМИ, Иқтисод-Молия, 732 б.
- 16.Азларова А.А. Абдурахманова Банк менежменти ва маркетинги. Ўқув кўлланма. ТДИУ 2019 й.
- 17.<http://www.cbu.uz/uz/payment-systems/remote-banking-services/>
- 18.[https://cbu.uz/upload/medialibrary/ca1/Markaziy\\_banking\\_2021\\_yil\\_uchun\\_hisoboti.pdf](https://cbu.uz/upload/medialibrary/ca1/Markaziy_banking_2021_yil_uchun_hisoboti.pdf)